

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА МАГНИЙ СУЛЬФАТИ

Препаратнинг савдо номи: Магний сульфати

Таъсир этувчи модда (ХПН): магний сульфати

Дори шакли: инъекция учун эритма

Таркиби:

фаол модда: магния сульфата - 2,5 г;

ёрдамчи моддалар: инъекция учун сув 10 мл гача.

Таърифи: тиниқ, рангсиз суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: антигепертензив воситалари

АТХ коди: B05XA05

Фармакологик хусусиятлари

Парентерал юборилганда препарат МНТ га тинчлантирувчи таъсир кўрсатади (дозага боғлиқ ҳолда - седатив, ухлатувчи ёки наркотик), нерв-мушак ўтказувчанлигини сусайтиради (хатто кураресимон самарасигача), артериал босимни пасайтиради, диурезни кучайтиради.

Фармакокинетикаси

Парентерал юборилганидан кейин қон плазмаси оксиллари билан боғланиши 25-30% ни ташкил этади. Барча орган ва тўқималарга ўтади, гематоэнцефалик ва плацентар тўсиқлар орқали ўтади. Асосан буйраклар орқали, шунингдек ахлат, сўлак ва сут билан чиқарилади.

Қўлланилиши

Эклампсия ва оғир преэклампсиядаги тиришиш синдроми, бачадон тетануси, сийишни тутилиши, кўрғошин санчиги, гипомагниемия, шунингдек фақат парентерал озука олаётган беморлардаги, гипертоник криз, тутканок ҳолати, симоб, маргумуш ва тетраэтилкўрғошин билан захарланиш (мажмуавий даволаш таркибида) қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Преэклампсия ва эклампсия: доза клиник ҳолатга қараб шахсий белгиланади. Тўйиниш дозаси: 2-4 г 5-20 минут давомида вена ичига инфузия. Тутиб турувчи доза: 1-2 г - 1 соатда.

Бачадон тетанияси: Тўйиниш дозаси 20 минутда 4 г инфузия. Тутиб турувчи доза дастлаб 1 соатда 1-2 г, сўнг 1 соатда 1 г (24-72 соат давомида томчилаб юборса хам бўлади).

Гипомагниемия: енгил - суткалик дозаси 1-2 г мушак орасига. Бу доза бир мартда ёки 2-3 га бўлиб юборилади. Юбориш жойларини алмаштириб туриш лозим. Оғири - бошлангич доза 5 г вена ичига (секин!) 1 л инфузион эритмада. Сўнг 1 л зардобидидаги магний концентрациясига қараб белгиланади.

Фақат парентерал озиқланувчи беморлар гипомагниемиясининг олдини олиш: агар озука эритмаларда магний бўлмаса, уни қўшимча қилинади. Суткалик доза 1,5-4 г, одатда 1 л парентерал озиқланиш эритмаси учун 1 г магний сульфат қўшилади, *Гипертоник криз:* 2-4 г мушак орасига ёки вена ичига (секин!).

Кўрғошин санчиги ёки ўткир нешоб тутилиши: 0,5 г мушак орасига ёки вена ичига ичига.

Тутқанок холати, симоб, маргумуш ва тетраэтилқўргошин билан захарланиш: 0,5-1,0 г вена ичига.

Магний сульфатни қайта инъекция қилишдан олдин тизза рефлексини текшириш лозим. Агар рефлекс йўқолган бўлса, препаратни юбориш мумкин эмас!

Магний сульфатни юқори суткалик дозаси буйракни нормал-функциясида катталар учун 40 г. Буйрак функцияси оғир бузилганда 48 соат давомида 20 г дан кўп эмас.

Изох:

Магний сульфат дозалари граммларда кўрсатилган. Уларга қуйидаги эритма миқдори мос келади: 1 г- 4 мл (25%), 2 г- 8 мл (25%), 3 г- 12 мл (25%), 10 г- 40 мл (25%), 15 г-60 мл

(25%), 20 г- 80 мл (25%), 30 г- 120 мл (25%), 40 г-160 мл (25%).

Магний сульфатнинг ампуладаги эритмаси натрий хлоридни 0,9% ёки глюкозани (декстроза) 5% инъекцион эритмаси билан суюлтирилади.

Ножўя таъсирлари

Терида нукта-нукта тошмалар кўринишидаги ўта сезувчанлик реакцияси. Гипермагнемия: кўнгил айнаши, қусиш, тери қопламаларини қизариши, чанқаш, уйқучанлик, онгни чалкашиши, гипотензия, гипотермия, мушак тонусини сусайиши, пай рефлексларини сусайиши, нафас тезлигининг секинлашиши, юрак уришининг камайиши ва юрак аритмияси, юрак тўхташи.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Атриовентрикуляр блокада; юрак мушагининг шикастланиши, буйрак етишмовчилиги (креатинин клиренси 20 мл/мин дан кам), гипотензия, кальций етишмовчилигига ва нафас марказини сусайиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар; препаратга бўлган юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Препаратнинг 25% эритмасини болаларга мушак орасига юбориш тавсия этилмайди.

Препаратни ҳомила туғилишидан 2 соат олдин юбориш тавсия этилмайди (фақат бошқа дори воситалари ёрдамида тирилишни тўхтатиб бўлмаса, қўллаш мумкин).

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препарат бирга юборилганида седатив воситалар, наркотиклар, анальгетиклар ва миорелаксантлар таъсирини кучайтиради, кальций тузлари таъсирини сусайтиради. Нифедипин(Коринфар, Адалат, Нифекард в.б.) билан кўшиш оғир гипотензия ва нерв-мускул ўтказувчанлигини блокадасига олиб келади.

Махсус кўрсатмалар

Нафас марказини фалажигга осонликча олиб келадиган захарли концентрация ҳосил бўлмаслиги учун препарат эҳтиёткорлик билан қўлланилиши керак. Буйрак функцияси бузилган беморлар ва қарияларда препаратни камроқ дозаларда эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим.

Магний сульфат қўлланилганида технеций юборилиб ўтказиладиган радиологик тадқиқотларнинг натижалари ўзгариши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Препаратни ҳомиладорлик ва лактация даврида фақат шифокор кўрсатмаси бўйича, агар она учун кутилаётган фойда ҳомила ёки бола учун потенциал хавфдан юқори бўлсагина қўллаш мумкин.

Препаратни лактация даврида қўллаш зарурати бўлса, эмизишни тўхтатиш керак.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Даволаш даврида транспорт воситаларини бошқарганда ва диққатни юқори жамлаш ва психомотор реакцияларнинг тезлигини талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турлари билан шуғуллангандан эҳтиёткорликка риоя қилиш керак.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилганида гипермагниемия юзага келади унинг белгилари «Ножўя таъсирлари» бўлимида таърифланган. Нафасни сусайиши 5-10 мл 10% кальций хлорид эритмасини вена ичига юбориш, кислород ёки карбоген билан нафас олдириш, сунъий нафас олдириш орқали бартараф қилинади. Агар буйрак функцияси меъёрида бўлса, вена ичига физиологик эритма томчилаб юборилади ва диурез маннитол билан кучайтирилади. Буйрак функциясини етишмовчилиги ёки оғир гипермагниемияда гемодиализ зарур.

Чиқарилиш шакли

Инъекция учун 25% ли эритма ампулаларда 5 мл, 10 мл дан. 5 ампуладан поливинилхлорид плёнкадан контур уяли ўрамга жойланади. Иккита контур ўрам қўлланилишига доир йўриқнома билан картон қутига жойланади

Сақлаш шароити

Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:

МЧЖ "UZGERMED PHARM" ҚҚ

Дори воситаларини сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

МЧЖ "UZGERMED PHARM" ҚҚ,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тум. Барданкул КФЙ.

Тел.: (8370) 202-60-06, факс: (8370) 983-62-62

электрон манзил: info@ugr.uz, веб-сайт: www.ugr.uz